

2021 йил - ЁШЛАРНИ ҚўЛАБ-қУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

ОҚОЛТИН ОВОЗИ

Оқолтин туман ҳокимлигининг газетаси

2021 йил
23 ЯНВАРЬ
ШАНБА
№ 1
(3535)

Газета 1972-йил
1-майдан
"Оқ олтин" номи
билан чиқа
бошлаган

Халқ депутатлари Оқолтин тумани Кенгаши ҚАРОРИ

ОҚОЛТИН ТУМАНИДА ЯНГИ "ЯНГИ ТОШКЕНТ" МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

2021 йил 8 январь

28110/6-сон

Оқолтин т.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 13 октябрь куни Сирдарё вилоятининг Мирзаобод, Оқолтин ва Сардоба туманларига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва фаоллар билан учрашув якунлари бўйича 76-сонли Баёни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги "Шаҳарлар, посёлкалар қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида"ги 48-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 24-моддасига мувофиқ халқ депутатлари Оқолтин тумани Кенгаши сессияси қарор қилади:

1. Оқолтин тумани Саховат маҳалла фуқаролар йиғини вакилларининг 2020 йил 18 ноябрдаги 27-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда 2020 йил 18 ноябрдаги 1-сонли илтисномаси, Шодлик маҳалла фуқаролар йиғини вакилларининг 2020 йил 19 ноябрдаги 33-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда 1-сонли илтисномаси, туман ҳокимлиги ҳузуридаги "Географик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштириш" комиссиясининг 2020 10 декабрдаги 7-сонли йиғилиш баёни ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги "Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларни чегараларини белгилаш ва ўзгартириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқ-

лаш ҳақида"ги 48-сонли Қарорига асосан Оқолтин тумани "Саховат" маҳалла фуқаролар йиғини таркибидан 1 та қишлоқ аҳоли пункти (Янги ариқ), "Шодлик" маҳалла фуқаролар йиғини таркибидан 2 та қишлоқ аҳоли пункти (Сирғали, Найман) бўлиниши ҳисобидан янги "Янги Тошкент" маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилсин. Янги ташкил этилган "Янги Тошкент" маҳалла фуқаролар йиғини йиғини ҳудудига кирувчи 332 та оила, 1365 нафар аҳоли, 313 та хонадон ҳамда 9 та кўчалар деб белгилансин.

3. Туман ҳокимининг ўринбосарлари (О.Абдуллаев, А.Ибодуллаев, А.Хайдаров), туман Ички ишлар бўлими (Ж.Шеркулов), туман Давлат хизматлари маркази (С.Тўрабеков), туман Статистика бўлими (Ш.Қурбонов), туман Молия бўлими (Ў.Бойкулов) ва тегишли муттасадди ташкилот раҳбарларига:

-янги "Янги Тошкент" маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилганлиги муносабати билан давлат рестрига тегишли ўзгартиришлар киритиш;

-"Янги Тошкент" маҳалла фуқаролар йиғинига юмалоқ муҳр ва бурчакли тамгаларини тегишли тартибда олиш ҳамда туман Ички ишлар паспорт бўлини масалалари ва бошқа турдаги меъёрий ҳужжатларни расмийлаштиришда алоҳида эътибор қаратиш вазифалари юклатилсин.

4. Туман "Ермуллкадастр" давлат корхонаси (Д.Пирнозов)га:

10 кун муддатда "Янги Тошкент" маҳалла фуқаролар йиғини чегараси чизмаси, харитаси ва тавсифини тайёрлаб, Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, Геодезия, Картография ва Давлат кадастри давлат қўмитасига тақдим этиш учун туман ҳокимлигига ҳарита ва тегишли ҳужжатларни топшириш вазифаси юклатилсин.

5. Туман ҳокимининг ўринбосарлари (О.Абдуллаев, А.Ибодуллаев, А.Хайдаров), туман Молия бўлими мудири (Ў.Бойкулов)ларга;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги 11 Ф-4944-сонли ҳамда 2018 йил 2

февралдаги ПФ-5325-сонли Фармонларига асосан маҳалла фуқаролар йиғини раиси, масъул котиби, хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий ахлоқий кадрларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси ва ҳарбий стол юритувчиси лавозимлари учун тегишли штат жадвали ва уларга ойлик иш ҳақи тўлаш учун тегишли маблағ ажратиш;

- "Янги Тошкент" маҳалла фуқаролар йиғини ходимларининг иш фаолиятларини ташкил этиш мақсадида ҳудудда бўш турган бинолар ҳисобидан хона ажратиш вазифалари юклатилсин.

6. "Оқолтин овози" таҳририяти (А.Пардаев)га;

- мазкур қарорни "Оқолтин овози" газетасида эълон қилиш вазифаси юклатилсин.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси А.Хайдаров ва туман ҳокимининг ўринбосари А.Ибодуллаев зиммаларига юклатилсин.

8. Мазкур сессия қарорининг нусхаси Сирдарё вилояти ҳокимлигига тақдим этилсин.

9. Мазкур қарор расмий нашрларда эълон қилинган кундан бошлаб қонуний кучга қиради.

Д.ФОЗИЛОВ,

Халқ депутатлари тумани Кенгаши раиси.

ЎЗБЕКИСТОНДА СУД -ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ ИНСОНҲАҚ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон давлатчилиги мустақиллигининг охириги йиллардаги тизимли равишдаги ривожланиши конституциявий тамойиллар асосида амалга оширилиб келиняпти. Бу жараёнлар, албатта, конституциявий янгиланишлар, қонунлар такомиллашувини таъминлаб, конституциявий ривожланиш ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётнинг мазмун-моҳиятига айланди. Ёш давлат шу қисқа даврда конституциявий ижодкорлик ва такомилнинг қатор ибратли босқичлари-ю, жараёнларини амалга ошириб, улкан самараларга эришди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар айнан инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, унинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, давлат

ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда мансабдор шахсларни инсонга хизмат қилдириш, одамларни рози қилиш, давлат бошқаруви ва қонунчилик асосларини мустаҳкамлашда жамият

аъзолари манфаатларини ҳурмат қилиш ётади.

Амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири – бу суд ҳокимиятининг амалда мустақиллигини таъминлашга эришишдир.

Инсон ҳуқуқларини таъминлашга доир олиб борилаётган давлат сиёсати очик ва шаффоф бўлиб, у бир томондан қонунчилик такомиллаштирилаётганида кўзга ташланаётган бўлса, иккинчи томондан одил судлов тизимини ислоҳ қилиш

орқали намоён бўлмоқда.

Шу туфайли Президентнинг 2020 йил 24 июль куни қабул қилган "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6034-сон фармони айни мана шу масалаларнинг ечимини кўрсатиб бергани билан аҳамиятлидир.

Фармонга кўра Олий суд тизиммасига янги лавозимлар киритилди.

(Давоми 2-саҳифада).

ЎЗБЕКИСТОНДА СУД -ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ

ИНСОН ҲАҚ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Бошланиш
1-саҳифада)

Олий суд аппарати раҳбари лавозими, Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармаси, Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси ташкил этилади.

Шунингдек, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида матбуот хизматлари ташкил этилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг Суд амалиёти муаммоларини ўрганиш маркази тугатилади.

Суд амалиёти муаммоларини ўрганиш марказини тугатиш ҳисобидан бўшаётган 9 та штат бирлиги Олий суд тизимида ташкил этилаётган Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармасини шакллантиришга йўналтирилади.

Ушбу фармонга мувофиқ, илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда республикада самарали маъмурий одил судлов тизimini яратиш

қўзда тутилиб, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда қўриш сифатини ошириш ҳамда ҳолис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини кенгайтириш асосий мақсад қилиб олинган. Шунга қўра, одил судловни тўлақонли амалга оширишда суд тизimini ислоҳ қилиш, суднинг ва судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш, бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, барча бўғиндаги судларни келиб тушган ишларни қўришга жалб этиш йўллари белгилаб олинди.

Жумладан, 2021 йил 1 январдан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилади.

Туман (шаҳар) маъмурий судлари тугатилиб, уларнинг негизда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судлар ташкил этилади.

199 та туман (шаҳар) маъмурий судлари мақбуллаштирилиб, вилоят марказларида 14 та туманлар

раро маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни қўриш бўйича маъмурий судлар ташкил этилади.

Вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизда судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судларини ташкил этиш белгиланган.

Фармонга қўра айрим иқтисодий судлар тугатилиши ёки фуқаролик ишлари бўйича баъзи бир туман судларининг ташкил этилиши, худди шундай жиноят ишлари бўйича айрим туманларда судларнинг ташкил этилиши фуқароларимиз учун қўллаб қўлайликлар тугдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Судьялар олий кенгаши билан биргаликда 2020 йил 1 ноябрга қадар янги тахрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиши белгиланган бўлиб,

унга қўра судларнинг тузилиши, туман (шаҳар), туманлараро, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларнинг, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг, Раёсатининг, Пленумининг ваколатлари доираси, судьялик лавозимига номзодлар ва судьяларга нисбатан қўйиладиган талаблар, судьялар, суд раислари ва раис ўринбосарларини тайинлаш (сайлаш) тартиби, судьяларнинг мақоми, уларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, судьяларга нисбатан интизомий иш фақат судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан қўзғатилишини назарда тутган ҳолда, судьяларнинг интизомий жавобгарлиги, интизомий ишни қўзғатиш ва қўриб чиқиш тартиби, судьялар ваколатларини тўхтатиб туриш, шунингдек, тугатиш асослари ва тартиби, судьяларнинг моддий таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини қўриш кўрсатиб ўтилган.

Т.КАРИМОВ,
туман адлия бўлими
бошлиғи.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИДА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НОАНЪАВАВИЙ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Инсон яралибдики турли хил кўринишга эга бўлган ўйинлар билан улғаяди, униб ўсади. Айни шу ўйинлар орқали ҳаётий зарур кўникмаларни эгаллайди. Буни яхши англаб етган ота-боболаримиз тўғрисида, қадим аждодларимиз бундан минг йиллар илгари ҳам инсонни жисмоний камолотга етакловчи ўйинларни ўйлаб топишган ва ўз авлодларини шу ўйинлар орқали чиниқтиришган. Ўйинлар кўринишдан ҳаёт мактаби вазирасини ўтайди десак муболаға бўлмайди. Чунки, ўйинларни ташкил этувчи элементларнинг бари атрофимизни ўраб турган меҳнат ва юмушларнинг содда кўринишидир. Бунга мисол қилиб "Инсиз қуён", "Подачи", "Чавандоз" каби чорвадорлар ўйинларини келтиришимиз мумкин. Мана шундай ўйинлар болалар руҳиятини кўтарувчи ҳамда тарбия омили бўлиб хизмат қилган.



ва тун" ўйинида бошловчи "Кун" деганидан сўнг, "тун" жамоа турли томонга қочиши мумкин. Бу қоида болаларда диққатни жамлашни, ўзини тутта билишни, чидамликни, берилган буйруққа (сигналга) тезкор реакцияни, фазода мўлжал олишни ҳосил қилади. Қоидаларга оғишмай итоат қилишни талаб этиш мақсадга эришишдаги эгоистик эмоцияларни енгишга ёрдам беради.

Шуни таъкидлаш жойизки, болалар айрим вазибаларни тезкор бажариш пайида бўлиб, қоида ва шартларни унитиби қўядилар. Бундан ташқари ютуққа энг осон йўл билан эришишга интилишлар ҳам қоидаларни бузилишига сабаб бўлади. Бу хол ўз навбатида ўйинчиларда норозилик уйғотади, зиддият туғдиради ва болалар ўртасидаги муносабатни ёмонлаштиради.

Ҳар бир боланинг ўйин қоидаларини англаши, унга

амал қилишида катталарнинг талаби ҳал қилувчи восита бўлиб хизмат қилади. Аста-секин тарбиявий таъсир қилиш туфайли болаларнинг ўйин жараёнидаги муносабатлари ҳам ўзгара бошлайди. Боланинг руҳий жараёнларини ривожлантиришда образли-эмоционал ўйинлар катта аҳамиятга эга. Улар болаларда қизиқиш уйғотади, диққатни жалб этади, чарқоқ ҳиссини сездиради. Ҳаракатларни ижодий ва ижобий бажаришга ундайди.

Психологлар кузатишлари шуни кўрсатадики, бола ўйин фалияти туфайли фазо ва предметлар воқеиёлигини амалда ўзлаштиради, шу билан биргаликда, борлиқни идрок этиш механизмининг ўзи ҳам жуда яхши тақомиллаштиради. Педагог томонидан ишлаб чиқилган ўйин қоидалари бола ҳаракати учун фазода олдиндан мўлжал олишнинг зарур имкониятларини яратди. Айни пайтда ўйин жараёнидаги тўсатдан бўладиган ўзгаришлар (сигнал берилиши, ўйин бошидаги ҳаракатлар) ҳаракатлар режасини бузади. Бундай мураккаблик болалардан тезкор реакцияни, фазода мўлжал олишни талаб қилади. "Учинчиси ортиқча", "Бўш жой топиб ўтир!" ва ҳоказо ўйинлар шулар жумласидандир. Бундай реакция болалардаги ўз

фаолликлари ва ҳаракатлари билан муайян муҳитга мослашиш қобилиятларининг ривожланганлик даражаси орқали ифодаланади. Бунда болага педагог томонидан кўрсатилган ёрдамнинг аҳамияти жуда муҳимдир. У болани аста-секинлик билан ҳаракат усулини бирмунча мувофақиятли топишга ўргатади. Масалан, "Рўмолча", "Кун ва тун" ўйинлари ўтказилганда болага ўйин бошиданок тез ва узокқа қочиш усулидан фойдаланишга уриналиб кўришга, унга яқин жойга туриб эса, қаққонлик ва эпчиллик каби жисмоний сифатларни намоён этишларини талаб этиб боради.

Ҳаракатли ўйинларнинг ўйин шартларини болаларга тушунарли кўринишда ифода этиш лозим бўлади. Амалга оширилган ҳаракатларни муваффақиятли бажара олганларни эса рағбатлантириб бориш керак. Шундай қилиб ҳаракатли ўйинлар мужассамлашган-эмоционал, соғломлаштиришга йўналтирилган педагогик жараён бўлиб, ёш авлодни ҳар томонлама тарбиялаш вазибасини амалга оширишга ёрдам беради.

Фарҳод
ЖАЛОЛДИНОВ,
тумандаги 12-умумий
ўрта таълим мактабининг
жисмоний-тарбия
фани ўқитувчиси.

РАИС

ҚОНУНДАН ҲАМ ЗЎРМИ?

Етти ойдирик Оқолтинлик Муяссар Пардаева ҳақиқат излайди. У дастлаб Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси раҳбари Улмас Мадаминова, бошқарманинг туман бўлими бошлиғи Алишер Ибодуллаевга сўнгра Оқолтин тумани ҳокими Дилмурод Фозиловга муурожаат қилди. Бироқ...

– 2017 йилдан буён Алишер Навоий номи МФЙда хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис вазифасида ишлаб келаётганим, – деб ёзди М.Пардаева. – Тўғриси, ўз ишимни яхши кўрганам боис ишлаб чарчамасдим. Бироқ маҳаллага Абдусаттор Файбуллаев раисликка сайланганидан бошлаб менга кун бермай қўйди. Хар бир ишимдан камчилик топиб камситадиган одат чиқарди.

Кейин... билсам, унинг нияти ўзининг эски ҳамтовоғи Норинисо Юлдашевани ўринимга ишга қўйиш экан. Охир оқибат бунга эришди ҳам! Суриштирсам, А.Файбуллаев ва Н.Юлдашева олдин ҳам худди шу МФЙда бирга ишлаб, жиноят содир этгани учун суднинг қора курсисига ўтиришган экан. Андиқроқ айтсам Н.Юлдашева 2 марта, А.Файбуллаев эса 4 марта бу курсини «ишғол қилган»!

М.Пардаеванинг маълум қилишича, Оқолтин тумани ҳокими Д.Фозиловнинг 2020 йил 7 мартдаги 06-2/08-345-сонли оғохлантириш хати А.Файбуллаевга роса қўл келган.

Ҳокимнинг оғохлантириш хатида тумандаги 12 та МФЙда фаолият юритаётган хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар (бундан кейин хотин-қизлар бўйича мутахассис - муаллиф) штат бирлиги қисқараётгани боис тез орада ишдан бўшатилиши маълум қилинган эди.

Бунга эса 2020 йил 18 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Президент Қарори ва «Жамиятда ижтимоий маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора тadbирлари тўғрисида»ги Фармон асос қилиб олинди. Бироқ ушбу Фармонга мувофиқ хотин-қизлар бўйича мутахассис лавозими ўрнида МФЙнинг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари штат бирлиги жорий этилганига эътибор ҳам қаратилмади. Дарҳақиқат, юқоридаги қарор

ва фармонлари ижроси бўйича Сирдарё вилояти, хусусан, Оқолтин туманида ҳам бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Дастлаб маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси ва унинг туман, шаҳарлардаги бўлимлари ташкил этилди. Соҳага етук, ўз ишининг жонқурлари жалб этилди. Вилоят ҳуқуқ тартибот идораларида самарали фаолият юритган Улмас Мадаминовнинг соҳага раҳбар этиб тайинланиши эса ижобий ишлар сифатига таъсир қилди.

– Мен М.Пардаевани анча йиллардан буён биламан. Ўз касби, оиласига содиқ, фидойи аёл. У МФЙда ишлаган даврида бирор хотин-қиз арз-дод қилиб ҳокимлик эшигини тақиллатмаган. Чунки у хар қандай муаммони мустақил еча оларди. Энг асосийси одамлар билан муомала қилишни биларди. Унинг ишдан бўшатилганлиги, ноқонуний сайлов қурбони бўлгани масаласига келсак, бу муаммони фақат ва фақат бошчилигимиз А.Ибодуллаевгина еча олади, – дейди биз билан суҳбатда туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари Насиба Алтмишева.

Қўлимизда туман ҳокимлиги мутасаддиларига, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси бошлиғи У.Мадаминова, А.Навоий номи МФЙда яшовчилар томонидан йўлланган ва 100 дан ортиқ имзо қўйилган фикрномаларнинг нусхалари турибди. Уларда маҳалла аҳли, туман ИИБ ходимлари, ҳатто маҳаллий кенгаш депутатлари ҳам М.Пардаевани ўз ишига қайтариш лозимлиги ҳақида жон қўйдириб ёзишган. Бироқ, бундай муурожаатномалар ҳанузгача қоғозларда қолиб кетмокда...

Пардаеванинг арзномасини ўрганиш чоғида қўлга киритилган баъзи ҳужжатлар билан таниша туриб ёқа ушлаб қолдик.

Хуллас, А.Файбуллаев 2019 йили МФЙга раис бўлиб келгач, ўз ёнига эски кадрдонларини йиға бошлайди. Шу боис 2020 йилнинг 30 апрелида шошилинч равишда йиғилиш ўтказиб, МФЙ раисининг ўринбосарларини сайлайди. Агар 2020 йилги 19-сонли йиғилиш баённомасига таяниб сўз юритилса, мазкур йиғинда МФЙ раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар ҳамда ободонлаштириш, томорка ва тadbиркорлик масалалари бўйича ўринбосарлари сайланган. Хусусан, М.Пардаева, Н.Юлдашева, А.Раҳмоновлар раиснинг оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлигига номзод этиб қўрсатилган. Раис ўша йиғиндаги нутқида учинчи номзод Ашурхон

**Республика Маҳалла
ва оилани қўллаб-
қувватлаш вазирлиги
диққатига.**

Раҳмонова ўз номзодини қайтариб олгани учун қолган икки нафар номзодга яширин тарзда овоз бериш лозимлигини баён қилади.

Биз мақолани тайёрлаш жараёнида Ашурхон Раҳмонова билан боғланиб, ундан нима учун 30 апрелдаги сайловда ўз номзодини қайтариб олганини сўрадик. А.Раҳмонова эса ҳеч қандай йиғилишдан хабари йўқлигини, аксинча номзоди қўйилгани боис ҳануз сайловга қақришларини кутаётганини таъкидлади. Ушбу сайловда «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари қўпол тарзда бузилганини айтиш жоиз. Яъни раис ўринбосарлигига сайловлар яширин овоз бериш йўли билан ўтказилди. Шу йўл билан Н.Юлдашева ўринбосарликка сайланди. Ваҳоланки, мазкур Қонуннинг 17-моддасида «Фуқаролар йиғини Кенгашининг қарорлари очик овоз бериш йўли билан қабул қилинади», дея белгилаб қўйилган.

Қолаверса, буни 2020 йилнинг 14 октябрида ФИБ Оқолтин туманлараро судида судья Ўткир Абдурахмонов томонидан имзоланган ҳал қилув қарори ҳам тасдиқлаб турибди.

Дарвоқе, М.Пардаева мутасаддилардан амалий кўмак уёқда турсин, бирон жўяли жавоб ололмаганидан кейин ФИБ Оқолтин туманлараро судига МФЙ Кенгашининг 2020 йил 30 апрелдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ва ўз иш жойига тикланишини сўраб муурожаат қилганди. Алаҳусус, унинг даъволари қисман қаноатлантирилиб, МФЙ Кенгашининг 2020 йил 30 апрелдаги, яъни Н.Юлдашевани раис ўринбосарлигига сайлаш, умуман шу санада қабул қилинган Кенгаш қарори ҳақиқий эмас деб топилди!

Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратсак: А.Файбуллаев ўринбосарларни тасдиқлаш ҳақидаги Кенгаш қарорини 2020 йилнинг 30 апрелида имзоланган. Худди шу куннинг ўзидаёқ Юлдашева Норинисони раис ўринбосари лавозимига тасдиқлаш ҳақидаги 19-сонли қарорни ҳам тасдиқлайди.

Бироқ Оқолтин туман ҳокимининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассисларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги 132-Ф сонли Фармойиши 2020 йилнинг 7 майида имзоланган. Яъни, роп-роса 7 кун олдин жаноб Файбуллаев отни жадал камчилаб хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосар лавозимига сайлов ўтказди. Аслида бунинг акси ўларқо туман ҳокимининг фармойишидан сўнггина жойларда сай-

ловлар ташкил этилиши, бунга мазкур ҳужжат асос қилиб олиниши тегишли ҳужжатларда аник қўрсатиб ўтилган!

Биз юқорида Оқолтин туманлараро суди томонидан 30 апрелдаги Кенгаш қарори ҳақиқий эмас деб топилганлигини эсладик. Ана шундан кейин А.Файбуллаев яна бир «янгилик»ка қўл урди, яъни 2020 йилнинг 4 ноябрь куни МФЙ Кенгашининг йиғилишини чақириб, Норинисо Юлдашева номзодини хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарликка тасдиқлаш учун йиғилганларга «нутқ ирод қилди». Амалдаги қонунчиликка биноан эса камида 2 нафар номзод кенгаш аъзоларига таништирилиши лозим эди!

«2018 йилдан буён Кенгаш аъзосиман. Узоқ йиллардан бери А.Навоий номи МФЙ худудидаги 3-мактабга раҳбарлик қиламан. Шу боис катта-кичик йиғинларда қатнашиб тураман. Лекин ҳеч қачон бунақа шошилинч йиғилишни кўрмаганман. Сабаби 4 ноябрь куни МФЙ раиси А.Файбуллаев мактабга келиб, йиғилиш бўлишини айтиди ва шоша-пиша уёқ-буёққа қўнғироқ қилиб, 8 нафар кенгаш аъзосини иш жойлари хатто уйларида ҳам чақиртириб олди. Сўнгра Н.Юлдашева деган аёлни кўрсатиб, шу киши менинг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарим бўлади, қўл кўтариб тасдиқлаб беринлар деди. Мен унга номзод битта эмас, бир нечта бўлиши лозимлигини айтганимда, у қўл силтасди. Ноилоҳ айтганига қўниб, қўл кўтардик», – дейди 3-умумтаълим мактаби директори Насиба Суянова.

Кенгашининг яна бир аъзоси Бахтиёр Сиддиқовнинг таъкидлашича, уни уйдан раис зудлик билан суратга тушиш учун чақиртириб олган.

– Келсам сайлов бўлаётган экан. А.Файбуллаевнинг кўрсатмасига биноан биргина номзод Н.Юлдашевага овоз беришга мажбур бўлдик. Қўлингни кўтар дейишди, кўтардик. Дарҳақиқат сураткаш расмга олди ва бу суратлар ҳокимликка керак дейишди... Очиғи ҳеч нарсасга тушунмадим.

2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш тadbирлари тўғрисида»ги ПФ 5938-сонли Президент Фармони иловасида эски тартибда тасдиқланган Кенгаш янги ташкил этилган вазирлик юрисдикциясига ўтганидан сўнг қонун талабига кўра қайта тасдиқланиши ва шундан кейингина қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлиши қатъий белгилаб қўйилган. Лекин мазкур МФЙда ушбу талабларга умуман амал қилинмади. Ҳатто Кенгаш таркиби Фармонга биноан қайта тасдиқланмади. Бас, шундай экан, эски тартибдаги Кенгашнинг 19-сонли қарори ҳеч қандай қонуний кучга эга эмас, – дейди қатор йиллар прокуратура ва адлия тизимида фаолият юритган кекса юрист Мардали Маҳмудов.

Муяссар Пардаева эса ҳали ҳам ҳақиқат қарор топишига умид қилиб юрибди...

Абдуғаффор ОМОНБОВ,
журналист.

(«Миллий тикланиш» газетасидан кўчириб босилди).

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрь куни "Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги № 710-сонли қарори ижроси юзасидан туманимизда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Туманимиздаги мавжуд 12 та маҳалла фуқоролар йиғинлари ҳамда 7 та қишлоқ Аҳоли пунктларида кенг қамровли тарғибот ишлари олиб борилиб, маҳалла раислари билан биргалликда маҳалланинг хариталари ва ундаги мавжуд хонадонларнинг харитада тўғри тасвирланганлиги, уларнинг кетма-кет рақамланганлиги, кўча номларининг янги ном билан номланганлиги ҳамда хонадон рақамларининг илганлиги ўрганилиб чиқилди. Ўрганилган маҳалланинг аҳоли ўртасида 2023 йил аҳолини рўйхатга олишнинг ўтказилиши бўйича тушунча ва кўникмалар бериб берилмоқда. Харитада келтирилмаган хонадонлар юзасидан туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси туман филиалига хат чиқарилиб, мазкур масалалар юзасидан таклифлар берилди. Хонадон рақамлари илганмаган хонадон эгаларига рақамларни олиб қўйиш тавсия этилди. Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш доирасида Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида, умумтаълим мактабларида, маҳаллаларда ҳамда бошқа турли ташкилотларда давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этилмоқда. Шундан кўрииб турибдики, туманимизда аҳолини рўйхатга олиш тадбирига тайёргарликлар кўтаринки руҳда олиб берилмоқда.

Шу фурсатдан фойдаланиб барчангиздан аҳолини рўйхатга олишда бевосита фаол иштирок этишингизни сўраб қолардим.

Шароф ҚУРБОНОВ,
туман сататистика бўлими бошлиғи.

ТУМАНДА 2020 ЙИЛ ДАВОМИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ВА ФАОЛИЯТ КЎРСАТГАН КОРХОНАЛАР БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 31 декабрь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 1255 тани ташкил қилиб, шундан 1188 таси ёки 94,7 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган (фермер хўжалиқларидан ташқари) корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми қишлоқ ва ўрмон хўжалиғи 176 та (19,6 фоизи), саноат 138 та (15,3 фоизи), савдо 244 та (27,1 фоизи), қурилиш 79 та (8,8 фоизи) ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 50 та (5,6 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2020 йилнинг 31 декабрь ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича маълумот.

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	900	100,0	833	100,0
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиғи	176	19,6	158	18,9
саноат	138	15,3	121	14,5
қурилиш	79	8,8	75	9,0
савдо	244	27,1	227	27,3
ташиш ва сақлаш	31	3,4	28	3,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	50	5,6	46	5,5
ахборот ва алоқа	3	0,3	3	0,4
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	5	0,6	5	0,6
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	174	19,3	170	20,4

2020 йил январь-декабрь ойларида жами 253 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 252 та).

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 19,0 фоизи қишлоқ ва ўрмон хўжалиғи, 31,2 фоизи саноат, 33,2 фоизи савдо ва 3,2 фоизи яшаш ва овқатланиш хизматлари соҳаларига тўғри келади.

Б.КҮЛДАШЕВ,
туман статистика бўлими бош мутахассиси.

Эшитмадим, деманглар!

БАРЧА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Туман бўйича 2021 йил пахта ҳосилидан уруғлик пахта етиштирувчи фермер хўжалиқларининг Тендер танлови ўтказилиши муносабати билан танловда қатнашиш истагида бўлган барча фермер хўжалиқларини туман қишлоқ хўжалиғи бўлими биносида иш олиб бораётган "Тендер танлови комиссияси" га мурожаат этишларингизни сўраймиз.

Танлов 2021 йилнинг 20 январидан 20 февралига қадар ўтказилиши белгилаб берилган.

Такдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати.

(1-10 формалар шакли комиссия томонидан фермер хўжалиғи раҳбарига такдим этилади).

1. Фермер хўжалиғи раиси номидан тилхат.
2. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ҳамда туман қишлоқ хўжалиғи бўлимининг маълумотномаси.
3. Фермер хўжалиғи, унинг раҳбари ва ишчи ходимлари тўғрисида маълумотнома.
4. Сув хўжалиғи бошқармаси туман бўлими маълумотномаси.
5. Вилоят "Агрокимёхимоя" АЖнинг туман филиали томонидан берилган маълумотнома.
6. Фермер хўжалиғи раҳбарининг мутахассислиги ва маълумоти тўғрисида ҳужжат (диплом нусхаси).
7. Фермер хўжалиғи раҳбарининг қишлоқ хўжалиғи соҳасида иш стажини тасдиқловчи ҳужжатлар (меҳнат дафтарчаси ва бошқа ҳужжатлар).
8. Фермер хўжалиғи ишлаётган уруғчи ҳосилотнинг маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (диплом нусхаси).
9. Мажбуриятдан озод пул маблағи тўғрисида тегишли банк томонидан берилган маълумотнома.
10. "Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси тумани бўлими техника ҳолати ва агротехник тадбирларни назорат қилиш шўъбаси томонидан берилган маълумотнома ҳамда техпаспорт нусхаси.
11. Контракция шартномасининг бажарилиши бўйича туман "Пахта тозалаш корхонаси" АЖ томонидан берилган маълумотнома.
12. Сўнги 3 йил ичидаги пахта ҳосилдорлиги бўйича "Пахта тозалаш корхонаси" АЖ томонидан берилган маълумотнома.
13. Супер элита ва элита етиштириш учун лаборатория биноси ва асбоб ускуналарнинг мавжудлиги тўғрисида "Уруғчиликни ривожлантириш маркази" ДК Сирдарё вилояти бошқармаси томонидан маълумотнома (элита хўжалиқлари учун).

Туман танлов комиссияси манзили: Оқолтин тумани Сардоба шаҳарчаси, Гулистон кўчаси 4-уй, туман қишлоқ хўжалиғи бўлими биноси.

Маълумот учун хизмат телефони: +99897 121-11-22

МУАММО ВА КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА



Туман фавкулдда вазиятлар бўлими ҳамда «Оқолтинтумангаз» ходимлари ўзаро ҳамкорликда аҳоли хонадонларида инсонларнинг ис газидан заҳарланишларини олдини олиш ва қиш мавсумини беталофат ўтказиш мақсадида олиб бораётган профилактик тадбирлари давоми 15 январь куни туман ҳудудидаги 3 та маҳалла ҳудуди комплекс равишда ўрганиб чиқилди. Ўрганишлар давомида 364 та хонадонларда аниқланган 8 турдаги 26 та камчилик жойида бартараф этилишига эришилди.

Муассис:
Оқолтин
туман
ҳўкимлиғи

Бош
муҳаррир
Абдурашиф
ПАРАДЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛГОҲИ:
708706, Сардоба кўрғони, "Оқолтин овози"
газетаси таҳририяти
Телефонлар: Мухаррир 102-83-48

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Сирдарё вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 10 августда 10-018 рақами билан рўйхатдан ўтказилган. Нарх кўрсаткичи: 462. Навбатчи А.Султонов. Сотувда эркин нархда

Газета таҳририят компьютер марказида териблиб, саҳифаланди. А-3 бичимида, 1 босма табоқ офсет усулида "PoligrafyaAik" LCH.S.K.да 500 нусхада чоп этилди.

Босмахона манзили: Гулистон шаҳри, Навоий шох кўчаси, 28-уй. Тел:0 (3672) 25-47-73

Газетанинг босилиш сифати фотоформалар сифатига мос келади. Буюртма №

Гулистон шаҳри, Навоий шох кўчаси, 28-уй. Босишга рухсат этилган вақт: 2021 йил 22 январь соат 17.00.
Саҳифаловчи: Хуршида ДОНИЕРОВ.

